

Ноябр-декабр ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиси сайланади, — дейди халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутатлари Лоичин Облоқулов. — Айни пайтда шаҳар ва туманлардаги ишчи гуруҳлари томонидан номзодлар ўрганилиб, уларнинг рўйхати шакллантирилади. Хозирда уларнинг рўйхатини сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссиясига тақдим этиш ишлари якунига етказилмоқда.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

— Бу йилда вилоят бўйича 340 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 3 минг 300 нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланади, — дейди халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутатлари Лоичин Облоқулов. — Айни пайтда шаҳар ва туманлардаги ишчи гуруҳлари томонидан номзодлар ўрганилиб, уларнинг рўйхати шакллантирилади. Хозирда уларнинг рўйхатини сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссиясига тақдим этиш ишлари якунига етказилмоқда.

«Туркистон-пресс» СИРДАРЁ

«Обод турмуш йили» дастурига асосан Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан олис қишлоқларда истиқомат қилаётган оилаларга маиший техника жиҳозлари олиб берилаётди. Жумладан, 10 та эҳтиёжманд оилага музлатгичлар ҳадя қилинди.

СОВГАЛАР — АЁЛЛАРГА

— Қишлоқ аҳолисининг турмушига қулайли яратиш мақсадида бундай совгаларни тақдим қилган касаба уюшмаларига минг раҳмат, — дея минтақадорлик билдирди Ховос туман ободлаштириш бошқармаси ходими Дилором Худойбердиева.

Озода МАМАДЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

ФАРҒОНА

Фарғонада ўрта махсус, касб-хуна тарбия муассасалари ўқувчилари ўртада ўтказилган «Ораста қизлар» республика кўриқ-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ОРАСТА ҚИЗЛАР КЎРИГИ

Ўқувчи-қизларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган танловда 18 жамоа ўзаро беллашди.

Билимдонлик, топқирлик ва ҳозиржавоблик синовида Фарғона шаҳар жамоаси голибликни қўлга киритди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА МУХБИРИ

БУХОРО

Олот туманидаги Рустам Тўраев раҳбарлик қилаётган 7-сон олимпия заҳиралар спорт мактаб-интернали нафақат Бухорода, балки мамлакатимиздан ташқарида ҳам доврुक таратган.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Яқинда мактаб-интернат ўқувчиларининг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Бир миллиард 300 миллион сўм маблағ эвазига халқаро стандартлар асосида бунёд этилган муҳташам спорт зали фойдаланишга топширилди. Спортнинг ўндан ортиқ тури билан йил давомида машғулотлари ўтказиш имкони берадиган зарур зал 12 миллион сўмлик урув жиҳозлар билан таъминланган.

Изаатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ishonch

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг нашри • 2013-йил 12-октябр, шанба № 125 (3318)



Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисидаги Фармони соҳани модернизациялаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва турларини кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу жараёнга ҳорижий инвестициялар жалб қилиниб, кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилаётгани ишлаб чиқариш сифати ва ҳажмини янада оширишга хизмат қилмоқда.



«Fayz Wood Group» маҳсулотлари — бинолар фойзи

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Fayz Wood Group» Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонаси — улардан бири.

маҳсулотлари сифат сертификатларига эга, ISO 9001:2000 халқаро стандартига мос. Айни пайтда корхона мутахассислари мижозга юксак сифатли сервис хизмати ҳам кўрсатади.

лотлар тури муттасил кўпайиб бораётди. Жумладан, 2012 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир миллиард сўмдан ошган бўлса, жорий йилнинг шу даврига қадар бу кўрсаткич ўттиз фоиз ўсди.

учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш мақсадида махсус курслар ташкил қилинган. Ишлаб чиқариш жарағини чет эллик мутахассислар ҳам жалб этилаётди.

Юқори сифатли хомашё, замонавий саноат дастгоҳлари ва жамоанинг ишга бўлган юксак масъулияти самарасида «Fayz Wood Group» қисқа муддатда мамлакатимиздаги етакчи корхоналардан бирига айланди. Корхонада ишлаб чиқариш кўлами йил сайин кенгайиб, маҳсулотлари сифат сертификатларига эга, ISO 9001:2000 халқаро стандартига мос. Айни пайтда корхона мутахассислари мижозга юксак сифатли сервис хизмати ҳам кўрсатади.

Қарор ва ижро

Ҳайит байрамлари қадимдан халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келган. Бу қутлуг айёмлар, айниқса, истиқлол йилларида умумхалқ байрами сифатида эълон қилиниб, янада фойзли, янада шухули ўтмоқда.

Меҳр-оқибат айёми

Маълумки, ҳайит кунлари барча мусулмонлар бир-бирларини байрам билан қутлаб, жаҳонга тинчлик, табарруқ кексаларимизга имон, ёшларга узоқ умр тилайдилар. Қариндош-уруғлар, ёру биродарларни зиёрат қиладилар, яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бирор сабабга кўра арашлаган, гина-қудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида ўзаро ур сўрашиб, бир-бирларига кучок очадилар. Бундай хайрли ишлар азалий қадриятларимиздандир.

Ўзбекистон фуқароларини миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли деб билади.

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

Инсон қадри баланд юрт бу

Орти, ўз уйини обод ва фаровон қилиш, шу орқали бахтли ҳаёт кечирши истаси ҳар бир киши юрагига яшайди. Яратувчилик, бунёдкорлик фақатгина инсон эзтига хосдир. Истиқлол ана шу орзу-умидларнинг чечак ёзишига, қанот боглашига хизмат қилмоқда...

Таъриф

Регистон майдонини айланиб юрган бир гуруҳ қариялар диққатимизни тортиди. Кейин билсан, ўттиз-қирқ чоғлик нарпайлик отахонларнинг барчаси ҳамқишлоқ экан.

— Бир замонлар мана шу азиз жойлардан қимёвий ўғит сақлашда фойдаланилган. Шахсан ўзим Биби-хоним мақбараси ҳудудидан туманимизга тегишли ўғитни олиб кетганман, — дейди Тошмурод бобо. — Атрофдаги бесаранжомликданми, нурраб мунгайиб қолган асори атикалардаги жозибани ҳис қилмаганимиз. Уша тизим бу бой меросимизни ўтмиш қолдиғи сифатида онгимизга қуйиб келарди.

— Нимасини айтасиз, — дейди кексалардан бири. — Регистондан то Сиеб бозоригача майда-майда дўкончалар, ошоналар бўларди. Ростки, бу атрофда туну кун тутун ўрмаларди. Одамлар ушбу бой меросимиздан баҳра олиш учун эмас, базозлардан буюм харид қилиш учун келарди.

— Бир айланиб чиқибсизлар-да, — деймиз қизиқишимиз ортиб. — Кексайганингда кўча хатлаб

саба уюшмалари ҳам имкон қадар ҳисса қўшаётгани диққатга сазовор.

Жумладан, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган меҳмонларни ўз бағрига олаётган «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси ҳам истиқлолимизнинг бир шарофати, албатта. Кўна шаҳарнинг ҳаво дарвозаси томон отланган ҳар бир киши бу муҳташам иморатга ҳавасланиб боқмай иложи йўқ. Замонавий дизайн, юксак дид билан безатилган қошона касаб уюшмалари маблағи эвазига барпо этилиб, меҳнаткашлар ва уларнинг яқинларига хизмат қилишга йўналтирилган. 45 ўринли меҳмонхонада бир тун бўлган сайёҳ шаҳарнинг майин эсувчи шаббадалари тотини бир умр эсдан чиқаролмас керак. Қуни кеча меҳмонхонанинг иш бошқарувчиси Абдор Холбековни учратиб қолдик. Сўрашишга ҳам фурсат тополмаган мезбон яна бир катта тараддууд ташвишида юрган экан.

— «Касаба сайр» ташкилоти мамлакатимиз фуқароларига кўна кент саёҳати учун барча шароитни ярати бораётди, — дейди у. — Бугун Тошкент вилоятидан қариллик гаштини сураётган 36 нафар отахонни кутиб олишимиз керак. Меҳмонларнинг мазмунли саёҳати, мириқиб дам олиши учун барча шароитни ярати берамиз. Ошхонамизда самарқандча паловга ҳам ҳозирлик кўрилаяпти.

(Давоми 2-саҳифада).

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133
2014 йил учун обуна бўлишни унутманг

Диёримиз тимсоли

«Ватан қишлоқ тимсолидан бошланади... Қишлоқда ўзгача меҳр-оқибат бор. Дарвозани чертган киши юз-кўзига ҳеч ким қайт билан боқмайди. Мақсад-муддаосини ҳам суриштирмасдан ўзбекона лутф билан хонадонга бошлайди. Қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойлар билан танишишга келган хорхликлар ёқа ушлашди. Меҳмонларни очик дастурхон билан қаршилаган янги қишлоқ кишиларининг шинавандалиги улар учун янгилик эди. «Бу ерда ҳеч ким юзингга эшикни терс ёлмаскан», дея бир-бирига пичирлаётганини биллиб олдик тилмочдан.

— Янгитдан барпо этилаётган замонавий қишлоқларнинг гизга ҳавасим ортди, — дейди австралиялик қурувчи Халмунт Крунес. — Қайси хонадонда бўлмайлик, самимият билан кутиб олишди. Кўпчилиги дастурхон ёзиб, меҳмон қилди. Халқингизнинг ана шу жиҳатларига қойил қолдим. Ҳамма жойда ҳам кутилмаган меҳмонни бунчалик очик юз билан қаршилашарвермайди.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қуришига кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ шу чоққача биргина Самарқанд вилоятида қарийб 2500 га яқин барча шароитга эга замонавий уй-жойлар барпо этилди. Айна пайтда ўттизта қишлоқ массивида янги уйлар қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Ана

шундай уйларда яшаш истагида бўлган фуқаролар узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар эвазига ўз қошоналарига эга бўлмоқда. Ҳали бу ҳаммаси эмас.

Вилоятдаги қатор ташкилот ва корхоналар маъмурияти ва касабга уюшма ташкилотлари ташаббуси билан янги уйларнинг дастлабки бадалларини корхона маблағи ҳисобидан тўлаб беришдек савобли ишларга қўл урилмоқда. «Катта-

ланишга топширилиш арафасида турибди. Қарийб беш юзга яқин хонадон кўним топадиган масканда ижтимоий-маданий, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари пухта, узққни кўзлаб ишлаб чиқилган режа, замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида барпо этилди.

— Ҳукуматимиз томонидан ҳайрат қовдиришга мўлжаллаб бунёд этилган замонавий уйларда яшаш бахтига эришга-

эл дастурхонига кут-баракани киритиб келмоқда. Биз беҳуда наботот оламга тўхталмадик. Сабаби, самарқандлик соҳибкорларнинг истиқлол шарафати боис амалга оширилган ишларга бир қур назар солмасликнинг сира иложи йўқ.

Кўклам охирамасданок Оҳалик тоғлари эстагида гилхлар қовжирайди. Дов-драхтлар тез чанқайди. Тошлар, қумоқ ерда боғ яратиш

лаш бўлди. Ҳозирда «Мароқанд интенсив Горденс» агрофирмасига қаршли интенсив боғзорлар 2 минг гектарга етди. Яна икки йилдан сўнг 5 минг гектар майдон ана шундай серхосил гўшага айланади. Бу кўз ўнгимизда рўй бераётган янгиликларнинг бири.

Этироф этиш жоизки, вилоятда янги услубдаги боғзорларнинг умумий майдони 2545 гектарни ташкил этади.

ятини беради. Биргина Самарқанддан ўтган йилда 82 минг тонна, бошқача айтганда, 150,4 миллион АҚШ долларлик маҳсулот хорихга экспорт қилинди.

Чеварларнинг тилида кўшиқ

Момоҳол опа оддий қишлоқ аёли. Ёшлиги далада ўтган. Момолари, онасидан чеварлик хунарини эгаллаган.

кўпчиликка манзур бўлди. Момоҳол опа ташаббуси билан ташкил этилган «Нозанин чевар» хусусий корхонаси банкдан 7,5 минг АҚШ долларлик миқдорда кредит олиб, оилавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бугунги кунда турт фарзанд, икки нафар келин иш билан банд. Улар замонавий технология асосида пайпоқ ишлаб чиқаришни ташкил этишган. Қунига катталар ва болалар учун 1000 жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш шаяпти. Тадбиркор онахон бош бўлган жамоа худуддан бирор бўш бинони олиб, пайпоқ ишлаб чиқаришни қунига 10-12 минг донага етказиш ҳаракатида. Тадбиркорнинг этирофича, оилавий корхона аъзолари сони яна беш кишига кўпаяди. Шу тахлит изланувчан аёллар меҳнати кадр топмоқда.

Хулоса ўрнида

Нурбулоқда кўп бўлганмиз. Кейинги йилларда юз берган ўзгаришлардан қишининг ақли шошади. Эътибор қилин, жорий йилда 51 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Шу чоққача 29 лойиҳа амалга етга татбиқ этилибди. Айна чоғда маҳалла ҳудудида «Шонбек нур», «Озодбек Нурбулоқ Назарбек», «Нуробек даромад», «Дурхамол» хусусий корхоналари ҳамда «Нур Нуробек сад» МЧЖ фаолияти ташкил этилган.

Мана сизга иш ўрни. Ҳали қишлоқ одамлари мўлжаллаб қўйган ишлар бир дунё. Истиқлол кўнглимизга, юртимизга олиб кирган ободликнинг нишонаси бу.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Инсон қадри баланд юрт бу

кўрғон ёғ» ОАЖда кейинги икки йилда 20 нафардан ортик, «Жомбойдон» ОАЖ да 12 оила корхоналар кўмаги билан замонавий уйлар соҳибга айланишди.

Бир замонлар Зарафшон соҳилига яқин ташландик майдон бир кун келиб сўлим қишлоққа айланади, деса ҳамма ҳам ишонавермасди. Ахир юлғунзорни обод қилишнинг ўзи бўладими?! Аммо юртимиздаги бунёдкорлик шашти ана шундай масканларни обод гўшаларга айлантиришига бугун ҳеч ким шубҳа қилмайди. Қирқдархон аталмиш гўшада бундан уч йил олдин бир йўла 20 та уй қурилди. Одамларга тўла-тўқис турмуш кечериш шароити яратилди.

Барчанинг кўз ўнгида бунёд бўлган қишлоқда яшаш ҳавасида бўлганлар сони ортди. Эҳтиёждан келиб чиқиб, 2011 йилда 63 та, 2012 йилда эса 163 та ана шундай янги уйлар қурилди. Бу йил бундан ҳам кўпроқ уй-жойлар фойда-

нимдан бахтиёрман, — дейди Ургут тумани Қинғир қишлоқда яшовчи Сабоҳат Эрназарова. — Гапнинг очиги, қишлоқда шаҳардагидан қолишмайди деган шароитда яшашнинг гаши бошқача экан.

Янги уйларда яшаётган покнияти кишилар юртимизда яратиб берилаётган шароитдан мамнун.

Баҳор тарк этмайди

Мирзо Бобур бобомиз «Бобурнома» асарига Самарқанднинг баҳор сира тарк этмас боғлари ҳақида кўп қайтар битган. Юрт меҳрини бир умр қалбда ардоқлаган, ҳар ўту ўлани ҳақида тўққинлаб ёзган буюқ давлат арбоби, ҳассос шоир бу диёрдаги анжирзорларни қаламга олган. Қарангки, неча асрлар ўтса ҳамки шираси тилни ёрадиган анжир ҳали-ҳануз бор. Шаҳарнинг аэропортга туташ қисмида темир йўлга шундоқ ёндаш анжирзор неча йилки

осон иш эмас. Аммо шу заминда ўсиб улғайган Дилшод Салимов янгиликка қўл урди. Ота-боболари касбини янги поғонага кўтарди. Бундан уч йил олдин кам сув талаб қиладиган олма навини хорридан келтириб, синовдан ўтказди. Ҳар қандай одам қийналмасдан ердан туриб учиди ҳосилигача йиғиштириб олиши мумкин бўлган «пакана» дарахт бизнинг шароитимизда ҳам бемалол ҳосил берадиган. Томчилатиб сўғориш усули қўлланилгани боис сув сарфи ҳам бир неча баробарга камайди. Илк йилданок нишона кўрсата бошлаган боғзор йилдан-йилга ҳосилни кўпайтириб бораётди. Бир гектар ердан 60-70 тоннагача ҳосил берадиган бундай боғзор 2011 йилда 113 гектарга етказилди. Излаши ҳар жиҳатдан ўзини оқлади. Оддий деҳқон боласи фермерликдан катта агрофирма раҳбари даражасига эришди. Ютқунинг дояси излаши, янгиликни асос-

106 гектар майдонда шундай интенсив тоқзор барпо қилиш устида излашилар олиб берилмоқда. Мутахассислар бу тоқзорлар ҳосилдорлиги гектар бошига 650-850 центнердан ҳосил беришини башорат қилиб турибди.

— Ҳозирнинг боғларда етиштирилган ҳосилни сақлаш, қайта ишлаш имконияти тўла яратилаётди, — дейди Дилшод Салимов. — Халқимиз дастурхони кишин-ёзин сархил маҳсулотларга тўқин бўлишига тўла асос бор.

Ҳақ гап. Бундан беш йил муқаддам вилоятда 12 минг тонна сизимга эга боғ, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлайдиган 8 та музлатгич бор эди. Утган йилда уларнинг сони 27 тага етказилди. Боғлардан олинаётган мўл ҳосил боис қайта ишлаш саноти ривожлантирилмоқда. Худуддаги 179 та қайта ишлаш корхонаси модернизация қилинди. Бу эса қайта ишлаш режасини ўн баробарга ошириб удалаш имкони-

Аммо ундан керагича фойдаланишга имкон бўлмаган. Чунки, у замонларда аёллар зиммасидаги асосий йомуш дала, гўзани бегона ўтдан тозалаш эди. Белинг чиқиб кетса-да, фалон тонна пахта териб берсанг чеварга айланардинг. Момоҳол Шукурова ҳам бу юмушининг заҳматларини кўп чеккан. У ҳеч қачон ишининг бу қадар юришиб кетишини, оилавий бизнес бекаси бўлишини, нима ўйласа, орзулари ушалишини ўйлаб ҳам кўрмаганди ўшанда.

— Мамлакатимизда тадбиркорлар учун шундай шароит яратилганки, ҳеч ким сен ўйлаган гоани хомхаёл демайди. Аксинча, ҳар бир фикрингни ҳурматлаб, қўллаб-қувватлашади. Буни бир оддий қишлоқ аёли сифатида ҳар қадамда ҳис қилаётган, — дейди Нарпай тумани Олтинкўл қишлоғида яшовчи Момоҳол Шукурова.

— Уз хонадонимда оилавий корхонага асос солдим. Ишлаб чиқарган маҳсулотимиз

Меҳнат муҳофазаси

Хушxabар «Когон ёғ» очик акциядорлик жамоаси ўртасида тезда тарқалди. Айниқса, корхона касабга уюшма кўмитаси раиси Нурия Гильфанова, меҳнатни муҳофазга қилиш комиссияси раиси Дилноза Хўжаеванинг қувончли чексиз эди. Чунки, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилаётган «Меҳнатни муҳофазга қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танловининг дастлабки босқичларида муваффақият қозонган корхона республикада ҳам Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси тармоғида голибликка эришди.

Самарадорлик омили



Табиики, ушбу жараёни ташкил этиш ва назорат қилиш бир кишига оғирлик қилади. Шу боис Д.Хўжаева атрофига касб сирларини пухта ўзлаштирган етук кадрлар жипслашган. Жумладан, Олим Пиров, Султон Камолов, Эшон Мухитов, Алишер Сатторовлар ёнгин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятлар ва ишлаб чиқариш цехларида ходимлар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

518 нафар касабга уюшма аъзоси меҳнат қилаётган «Когон ёғ»да ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш баробарида техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиб келинаётгани ижобий самара бермоқда. Ушбу жараёнда ишчи-ходимлар ўртасида меҳнатни муҳофазга қилишга оид тарғиботни кўнайитириш, иш берувчининг ходимларга хавфсиз меҳнат шароити яратишга бош-қош бўлиши мумкин аҳамият касб этаятди. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар давр талабига ҳамоханг бўлмоқда.


«Когон ёғ» ОАЖ Бухоро вилоятидаги йирик sanoat корхоналаридан. Унинг ташкил топганига юз йилдан ошган. Мустақиллик даврида амалга оширилаётган модернизациялаш туфайли корхонада сўнгги русумдаги технологиялар ишлаб чиқаришга жорий этилиб, маҳсулотлар ҳамми ҳам, сифати ҳам кескин даражада ошмоқда. Замонавий техника ва технологиялардан хавфсизлик талаблари асосида фойдаланишнинг заводнинг бош муҳандиси Исролом Аҳмедов кунт билан ўқитиб, ўргатиб боради.

Яна бир муҳим жиҳат. Утган йили жамоа аъзоларини техника хавфсизлиги қондалари бўйича ўқитиш учун 5 млн. сўм, ходимлар иш шароитини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ишчиларни маҳсул кийим-бош, сўт, совун каби воситалар билан таъминлаш мақсадида 182,8 млн. сўмдан ортик маблағ сарфланди. Жорий йилнинг якунигача эса ушбу миқдорни бир ярим ҳиссага ошириш кўзда тутилган.

— Бухоро озик-овқат ва энгил sanoat технологияси институтини битирганман. Мутахассислигим бўйича озик-овқат sanoati инженер-технологиман. Ушбу корхонада меҳнат фаолиятимни бошлаганимга 13 йилдан ошди, — дейди меҳнатни муҳофазга қилиш комиссияси раиси Дилноза Хўжаева. — Комиссия аъзолари билан режали иш олиб борамиз. Ишлаб чиқариш цехларининг барчасида, корхона ҳудудида техника хавфсизлиги бурчаклари ва меҳнатни муҳофазга қилишга оид стендлар, шунингдек, кўргазмалли воситалар ташкил этилган. Шу асосда ўқувлар, танлов ва семинарлар уюштирилди, ходимлар аттестациядан ўтказилди. Сўнгга барча талабларга жавоб берган ходимларгина ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади. Узини кўрсатган, ибрат бўлганлар эса рағбатлантириб борилади.

Изатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Қувасойнинг сифатли цемента



2012 йили Қувасой шаҳрида ишга туширилган «Фаргона цемент» масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошмоқда.

Замонавий технология билан жиҳозланган корхонада ойига олти минг тоннадан ортик цемент ишлаб чиқарилаётгани бунинг тасдиғидир. Буюртмачиларни сифатли

маҳсулотлар билан таъминлаш учун 240 нафар ишчи-ходим самарали меҳнат қилмоқда. Барча маҳсулот лаборатория текширувидан ўтказилиб, сифати мунтазам назорат қилиб борилаётди.

Суратда: «Фаргона цемент» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Мансур Файёзов. Муқим ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Маҳсулотлар билан таъминлаш учун 240 нафар ишчи-ходим самарали меҳнат қилмоқда. Барча маҳсулот лаборатория текширувидан ўтказилиб, сифати мунтазам назорат қилиб борилаётди.

Ҳуқуқий ҳимоя

Фалокат оёқ остида бўларкан. Термизлик Пардахол Эсонованинг турмуш ўртоғи шундай ҳодиса туфайли оламдан ўтди. Қариндош-уруғлар бошчилигида маъракалар баҳоли куларат ўтказиб борилади. Бирок нима кўп, ўзбекининг маросими кўп. Шунинг учун П. Эсонова турмуш ўртоғи ишлаган «Санитар тозалик» автокорхонаси томонидан марҳумга тўланмай қолган 514 749 сўмлик иш ҳақининг тўланишини сўраб корхона мутасаддиларига мурожаат қилди. Бирок фуқаро талабига панжа ортиндан қаралди. Натияжада, у вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши эшигини қоққишга мажбур бўлди.

рожаатлар келиб тушди. Ёзма мурожаатларни ўрганиш натижалари бўйича, иш берувчиларга 27 та тақдирнома киритилиб, шундан 25 та қаноатлантирилди. Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Денов туман бўлимининг бош мутахассиси Ж.Қурбоновнинг аризаси ўрганил-

қатувчи» шўба корхонаси архив ишини юритиш бўйича масъул ходими Д.Абдуқадирхорованинг шикоят қўриб чиқилиб, муаммо жойида ҳал этилди. Музработ тумани марказий поликлиникаси ходими М.Султонмуродовнинг розилигисиз иш ҳақидан бир қисми иш берувчи томонидан ушлаб қолинганлигидан шикоят қилиб ёзган аризаси ҳам ижобий ҳал этилди.

Иш ҳақи ундириб берилди

Ўрганиш жараёнида фуқаронинг талаблари асоси деб топилди. Мамлакатимиз қончилигига биноан тасарруф этиш ҳуқуқи яқинлари-га ўтиши керак бўлган марҳумнинг иш ҳақи 2012 йил июн ойидан бунён, яъни 10 ой тўлаб берилмагани маълум бўлди. Касабга уюшмалари ушбу ҳолат бўйича мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш ҳақида вилоят прокуратура-

сига хат ҳамда қарздорликни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритди. Натияжада, иш ҳақи тўлиқ ундириб берилишига эришилди.

Вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасига жорий йилнинг тўққиз ойи давомида фуқаролардан жами 227 та ёзма, 148 та озгак ва 122 та «Ишонч телефони» орқали му-

ганд, иш берувчи томонидан унинг интизомий жазога тортилганлиги ҳақида буйруқ расмийлаштирилмасдан туриб, йиғилиш баёнига асосан жарима ундирилганлиги ва ундан тушунтириш хати олинмаганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича иш берувчига тақдирнома киритилиб, ҳодимга 164 584 сўм қайта ҳисоблаб берилишига эришилди.

Шунингдек, вилоят «Матбуот тар-

З.ХОЛОВ, Сурхондарё ВКУТБ юридик бўлими мудир

БИР ҚАРАНГ, БАҒРИНИ ЖАННАТ, БОҒУ БЎСТОН ДЕЙДИЛАР



Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани асосан мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган. Туманда 8317 гектар боғлар мавжуд бўлиб, шунинг 1933 гектарини ҳосилга кирмаган боғлар ташкил этади. 2012 йилда 120 гектар майдонда интенсив усулда янги боғзорлар ташкил этилиб, бу боғзорларнинг олди ҳосил бера бошлади.

Эллиқалъа туманидаги Амир Темур номи ботаника боғида бўлган кишининг баҳри дили ёришади. Ҳозир бу ерда 370 дан зиёд ўсимлик турлари мавжуд. 25 гектар майдон дендро флорага ажратилиб, географик томоилга асосан уч йўналишда дароҳ ва буталар, тропик ва субтропик, доривор ва бўёқсимон ўсимликлар парвариш қилинмоқда.

Оролбўйи минтақасида ягона илмий даргоҳ

Боғ ташкил этилганига йигирма йилдан ошди. Утган даврда Орол денгизининг қуриб бораётганлиги туфайли рўй бераётган экологик вазиятни барқарорлаштириш, табиатнинг наботот дунёсини асраб-авайлаш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Монлар ҳосили бозорда сотилмоқда. Иссиқхона ҳақиқий гулхонага айланган. Бу ерда 50 га яқин хонадон гуллари кўчатлари етиштириляпти. Улар орасида энг ноб палманинг Вашингтон, Финик, Трихокарпус ва Собел навлари яшнаб турибди.

тирилган 2 дона банан кўчати ҳозир 15 туп дароҳт бўлди ва улардан 4 тупи илк бор ҳосил берди. Мандарин ва апелсин сингари цитрус мевали ўсимликлар бу йил биринчи марта гуллади. Ли-

тална арча дароҳтининг 10 дан ортқ турларига талабдорлар кўп. Ҳозир Нукус шаҳри, туманлар марказларидаги кўча хиёбонларида, майдонларда, корхона ва ташкилотларда, ўқув юрлари ва шифохоналарда ботаника боғида етиштирилган гуллар яшнаб турибди.

Тиниб-тинчимас жамоа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Оролбўйи минтақасида тузга чидамли манзарали ва мевали дароҳлар кўчатхоналарини ташкил этиш» лойиҳасини муваффақиятли амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳага асосан Қўнғирот туманида 12 гектарли манзарали ва Кегайли туманида 15 гектар мевали кўчатхоналар (питомниклар) ташкил этилди. Ҳозирда БМТнинг яна бир йирик лойиҳаси «Оролбўйи минтақасида ноб ва йўқолиб бораётган ўсимликлар коллекциясини яратиш» устида иш олиб бориляпти.

Қалбим тоғларда қолди...

Авал хабар қилганимиздек, ЎЗКУФК ташаббуси билан «Зомин» санаторийсида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда санатор-курортлар тизимида соғломлаштириш ва тиббий туризм хизмат сифатини ривожлантиришга доир долзарб масалалар муҳокама этилди.

Маълумки, курортларда кўпинча табиий даволаш воситалари кенг қўлланилади. Бунда табиатнинг ажралмас қисми бўлган иқлим энг муҳим ўрин эгалляпти. Иқлимни эса даволаш воситаси сифатида ишлатиш муҳим аҳамият касб этади.

Уч кун давомида Зоминнинг мусафо тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлганим, танга роҳат бағишловчи туракўз булоқларидан сиқорганим ҳаётимнинг энг сермазмун онларига қўшилган бўлса, ажабмас.

Доктор Ритвик РАЖ БХУАН, «Max Super Speciality Hospital» (Ҳиндистон) клиникаси кардиохирурги

Оқил кишининг хатти-ҳаракати атрофдагиларга фақат фойда келтиради. Касаба уюшмасининг мактаб ҳудудида бўш ётган каттагина майдонни дароҳ-зорга айлантириш ҳақидаги таклифи, аввало, директор Неля Александровнага жуда маъқул келди.

Мўъжаз, аммо тароватли

«Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 туп кўчат — менинг тўхфам» акцияси доирасида Поп туманидаги 37-мактаб ҳудудидаги 2 гектар майдонда касаба уюшмаси боғи ташкил этилган эди. Касаба уюшма маблағи ҳамда мактаб кўвачилари ва педагогик жамоаси ҳиссаси билан 100 тупдан ўрик ва ёнғок, 25 тупдан беҳи, гилос, хурмо, 50 туп бодом кўчати ерга қадалди.

дан боғимиздан олинган даромаддан бир қатор хайрли ишлар қилишни режалаштирганмиз. Хусусан, фахрий устоз ва аълочи ўқувчиларимизни рағбатлантириш, барча ходим ва шогирдларимиз учун яна да яхши шaroитларни яратишга ўз ҳиссасини қўшмоқчимиз.

Томорқалардан унумли фойдаланиб, халқ дастурхонига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш йўлидаги ҳаракатлар кўпчиликти қатори мени ҳам бефарқ қолдирмади.

нат инсонни соғлом қилиш билан бирга, унинг турмушига фаровонлик беради, оила иқтисодини ҳам яхшиляпти», дейишгани рост экан.

Мўъжаз боғнинг тароватига мафтун бўлиб турган чоғимизда яна бир ажойиб-ботга дуч келдик: бир йилда бир мева беришга қаноат қилмаган гилослар яна бул тутишибди. Бу мўъжиза юртимизнинг саҳий кўёши одатдагидан кўпроқ саҳийлик қилаётган кўнлар ҳикматимиздан ёхуд гайрату шижоатга сўзсиз ундов?! Нама бўлганда ҳам, бу каби сирли ҳикматлар касаба уюшмаси боғига келган киши борки, ҳайрат денгизига чорламай қўймайди.

Дилдора РАХМОНОВА, «Ishonch» мухбири. Муаллиф олган суратлар.



Томорқа — кони фойда

эмас. Шу боис, Сурхондарёнинг Ангор туманига бориб, уста боғбонларга шогирд тушдим...

иҳотазор барпо этилди. Мевали ва манзарали дароҳт кўчатлари етиштириш кенг йўлга қўйилган мазкур ҳўжаликда ўсимликларнинг янги навларини кўпайтириш, парварилаш ва маҳаллий иқлимга мослашгач, мамлакатимизнинг турли ҳудудларига етказиб бериш чоралари қўрилмоқда.

за қилишга, экологик барқарорликни шакллантиришга эътибор кўчатирилгани таҳсинга сазовор, — дейди Сурхондарё марказий давлат ўрмон ҳўжалиги мутахассиси Йўлдош Бекиев.

Умуммиллий бойлигимиз

Бош Қомусимизда табиат инъом этган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси умуммиллий бойлик сифатида эътироф этилиб, давлат муҳофазасига олингани ўрмонзорларни кенгайтириш, уларни асраб-авайлаш ва оқилона фойдаланишда ўз самарасини бермоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ўрмонлар экологик мувозанатни бир меъёрга сақлаб, атрофни тоза ҳаво билан узлуксиз таъминляпти. Қум барханлари кўчишининг, сув ва шамол эрозиясининг олдини олиб, дарё ва бошқа сув ўзани киргоқларини мустаҳкамлаб туради.

раҳт ва бутазорлари билан машхур. Ҳўжалик тасарруфидаги 76 минг гектардан ортқ майдоннинг 40 минг гектарга яқини ўрмонзорлар билан бурканган. Беповён кенгликларда Зарафшон арчаси, уқат, заррат, Бўхоро бодоми, чия, қандим, хатанак сингари ноб ёшил бойликлар парваришланмоқда.

иҳотазор барпо этилди. Мевали ва манзарали дароҳт кўчатлари етиштириш кенг йўлга қўйилган мазкур ҳўжаликда ўсимликларнинг янги навларини кўпайтириш, парварилаш ва маҳаллий иқлимга мослашгач, мамлакатимизнинг турли ҳудудларига етказиб бериш чоралари қўрилмоқда.

Умуммиллий бойлигимиз, юртимиз кўрки бўлган ўрмонларга оқилона муносабатда бўлиб, озов ва обод дёриримизни боғ-роғларга бурқаш, наботот оламини янада кенгайтириш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири

Оила бюджетини шакллантириш учун нима қилиш керак? Эр-хотин бу саволга жавоб тополмай роса бошимиз қотди. Шундай кўнларнинг бирида бир гуруҳ ўқитувчилар, касаба уюшма ва маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, аҳоли ўртасида томорқалардан унумли фойдаланиш ҳамда шу орқали оила фаровонлигини таъминлаш ҳақида тарғибот иритишаётганини эшитиб қолдик.

Рўзғоримга барака кирди

Дастлаб, яхши ният билан тарвуз эқдим. Миришкорлардан, айниқса, қўшим Зафар Ражабондан деҳқончилик сирларини ўргандим. Тарвузларим баҳорги ёмғирлардан шикастланмай, ерни ёриб чиққанида, бир қувончим ўн бўлди. Мехр билан чопиқ қилдим, қирқ кун чиллада ушлаб, сувини бердим; маҳаллий гўнган шарбат тайёрлаб қўйдим.

Зафар ака энди ўн-тўрт кун ичида тарвузларнинг пишиб етилишини айтиди. У айтгандай бўлди. Тарвузларини бозор-ма-бозор олиб юганим йўқ, таърифини эшитиб харидорларнинг ўзлари келди. Нарҳини ҳам таллашиб-тортишиб ўтирмадим. Ишонсангиз, шу 20 сотиқ ердан кўнлимдагидек даромад қилдим. Тоғамнинг бедаларига қараш баробарида, чорвамга емиш муаммоси ҳам ҳал бўлди. Шу сабаб қўша-қўша кўчор, новос бокдим, рўзғоримга барака кирди.

Зафар ЖўРАЕВ, Чирокчи тумани, Қаҳрамон қишлоғи

Зулфияxonим қизлари



Мутахассисларнинг таъкидлашича, сузишга меҳр қўйган кишилар узок умр кўраркан. Дарҳақиқат, мушак тўқималари ва нерв ҳужайраларида содир бўладиган механик қўзғалишлар танага худди уқалаш машқлари каби таъсир этади. Шунингдек, юрак-қон томир тизимидаги мушакларни ривожлантиради ва модда алмасинувини жадаллаштиради. Сузаётган кишида ўпка фаоллиги ошади. Бундан ташқари, сувда сузиш қоматнинг чиройли бўлишини таъминлайди. Умуртқа понасининг айрим касалликларини даволашда шифокорлар томонидан сузиш машқлари буюрилиши ҳам шундан. Сув муолажалари туфайли кишининг куч-қуввати ошади ва иш унумдорлиги ортади.

Ушбу спорт тури билан бир неча йиллардан буён шуғулланган Шохида Зоҳидова эришган муваффақиятларга ҳавас қилса арзийди. Шохида ёшлигида кўп касал бўларди. Қизининг бу ҳолатидан ташвишланган онаси уни сув спорти мажмуасига олиб борди. Бошида чўчиган қизалоқ вақт ўтиб, ҳаётини сувсиз тасаввур этолмаслигини англади. Шохида олти ёшидан сузиш билан шуғуллана бошлади. Дастлаб «Меҳнат резервлари» спорт комплексида қатнади. 6 ёшидан Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзоси бўлди. Спортнинг синхрон сузиш тури билан шуғулланди. Бу турнинг бошқаларидан фарқи шуки, бир неча қиз сувда бир хил рақс тутиши керак. Шохиданинг меҳнатлари зое кетмади. У 2008 йилда Таиланд очик чемпионатида 1-, 2-ўринлар, 2009 йили Японияда

«Сув париси»

олди. 15 карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро спорт устаси бўлди. 2012 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдорлари қаторидан ўрин эгаллади. Ш.Зоҳидова Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейни тугаллаб, бу йил ушбу академиянинг стоматология факултетида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. — Ҳар муваффақиятга эришганимда қалбимда чексиз фахр туйғуси билан бирга қандайдир жуда катта масъулият пайдо бўлади, — дейди у. — Қандай зафарларга эришмай-

лик, биз, ёшлар, аввало, ўзбекиона урф-одатларимизни авайлаб, замон билан бирга қадам ташлаб, яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, олдинга интилаверишимиз лозим, деб ўйлайман. Шу кунларда инглиз тилини ўрганишга астойдил киришганман.

Онаси Салима Зоҳидова Республика амалий санъат музейи катта илмий ходими. Турмуш ўртоғи эрта вафот этган бу аёл ҳаётини ёлғиз фарзанди тарбиясига бағишлади.

— Бир пайтлар мени хасталанавериб кўришган қизим бугун шунча ютуқларга эришгангидан қувонаяман, — дейди Салима опа. — Одамлар, яхшиликка яхшиликни улаб яшган. Меҳнат албатта ҳосил беради, дегим келади! Ҳа, инсонни ўз бахтининг ижодкори, дейишади. Шохида ҳақиқат ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

Бу ажиб дунё

Мана, Ўзбекистонда Алишер Ёрматов деган илонбоз борлигини билганимга, у билан боғлиқ турли мақолалар ёза бошлаганимга ҳам салкам 10 йилга яқин вақт бўлибди. Бу муддат Алишер ака учун унинг ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи йиллар бўлганини ҳеч иккиланмасдан айта олам.

Илонлар ҳам меҳрга муҳтож

Алишер Ёрматов ҳаётдан умиди ва яшашдан аниқ мақсади бор инсон. У Гиннесснинг «Рекордлар» китобига кириш орзусида неча бор ажалнинг оғзидан қайтган бўлса-да, ўз аҳдидан чекингани йўқ. Шу сабабга кўра ҳам у ҳурматга сазовор.

«Ер инсонни эмас, инсон ерни азиз қилади». Ҳар гал ижодий сафар юзасидан Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида жойлашган мўъжазгина Жом қишлоғига борганимда, ана шу нақлнинг халқимиз томонидан билиб айтилганлигига ишонч ҳосил қиламан. Сабаби, бу ерда табиати онадай ардоқлаб, унинг гул гулҳарини кўзга суртиб, баъзилар номи не эшитганда, ётти қақирим нарига қочадиган ўткир заҳарли илонларга меҳр бериб келаётган морбоз Алишер Ёрматов истикомат қилади. Ана шу инсон сабаб бугун Жом қишлоғини нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам кўпчилик яхши билади.

— Заҳарли жонзотлар билан мулоқотда бўлиш — катта санъат ҳисобланади, — дейди Алишер Ёрматов. — Уйимизда қобра ва гадука илонлари бор. Улар билан мулоқот даврида ўта эҳтиёт бўлиш даркор. Қобралар жуда ақли. Сабабсиз ноҳўя ҳаракат қилмайди. Овқат бериш ва заҳар олиш пайтида беҳосадан озор бериб қўйганимиз учунгина чақиб олади. Илонлар салгина хатони ҳам кечиришмайди. Биринчи ҳамла қилганида оғзини юмиб ташланади, яъни оғохлантиради, лекин чақмайди. Яна жаҳлини чиқарадиган бўлсангиз, аяб утирмайди.

60 ёшни қоралаган морбоз ҳар сония ажал билан ёнма-ён. Аммо худосарайман, деса ҳеч гап эмас экан. — Кўрсатгич бармоғимдан илон чақанида ўлимни тан олгандим. Икки марта хушимдан кетдим. Бош бармоғимдан икки илон бирдан чаққан. Биргина бар-




моғимни асраш учун етти мартаба операция қилишди. Ушанда, шифохонадан спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитни яратиб қўйибди. Соғломлаштириш хоналари бор. Уларнинг доим тетик юришининг сабабини тушунгандекман.

Алишер Ёрматов ҳақида кўп гапириш мумкин. Болалигидан илонларга меҳр қўйган бу инсон билан ақиндан суҳбатлашсангиз, унинг содда ва самимийлигига гувоҳ бўласиз. Заҳарли қобралар билан яқин оғайнисидай суҳбатлашиб ўтиришни кўрганда эса, лол қолишингиз ҳеч гапмас. Ишонмасангиз, бир бора Жомга, Алишер ака хонадонидан меҳмон бўлинг. Шоир Матназар Абдулҳакимнинг ушбу мисралари эса айнан Алишер аканинг тилидан айтилгандек:

Дилором Ёрматова, опаси: — Ўтган йили Алишер ака оиласи билан Таиландга борганда, бу кишининг қувноқ ва ўта қизиқувчан инсон эканлигига гувоҳ бўлгандим. Одамлардан ёрдамини аямайди, ҳамма билан тез чиқиши кетади. Шу қадар суяғи енгил эканки, тез юрганида ортидан югуриб етолмасдик.

— Утган йили Алишер ака оиласи билан Таиландга борганда, бу кишининг қувноқ ва ўта қизиқувчан инсон эканлигига гувоҳ бўлгандим. Одамлардан ёрдамини аямайди, ҳамма билан тез чиқиши кетади. Шу қадар суяғи енгил эканки, тез юрганида ортидан югуриб етолмасдик.



ратда қолдим. Ўзи тоғ этагида туради. Лекин фарзандлари ва невараларининг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитни яратиб қўйибди. Соғломлаштириш хоналари бор. Уларнинг доим тетик юришининг сабабини тушунгандекман.

Алишер Ёрматов ҳақида кўп гапириш мумкин. Болалигидан илонларга меҳр қўйган бу инсон билан ақиндан суҳбатлашсангиз, унинг содда ва самимийлигига гувоҳ бўласиз. Заҳарли қобралар билан яқин оғайнисидай суҳбатлашиб ўтиришни кўрганда эса, лол қолишингиз ҳеч гапмас. Ишонмасангиз, бир бора Жомга, Алишер ака хонадонидан меҳмон бўлинг. Шоир Матназар Абдулҳакимнинг ушбу мисралари эса айнан Алишер аканинг тилидан айтилгандек:

Илон қолди бизларда қишлаб, Бир бор кўрдим бор-йўғи хали. Оқшамлари кўяр вишиллаб, Шифтдан ўтар сирли сирғалиб. У билади, ўлдираймиз, йўқ, Жонзотларга меҳримиз баланд. Шунинг учун бу мунис махлуқ, Келиб қолган бизларни таялаб... Назира БОЙМУРОДОВА. Муаллиф олган суратлар

Фаолият

Фарғона шаҳар транспорт касб-хунар коллежи ахборот-ресурс марказида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида катта тажриба тўпланган. Ҳозирда марказда 12989 донга китоб мавжуд.

Ибратли марказ

Ўқув залидан кундалик матбуот нашрлари, муҳим саналар, байрамлар ҳамда машҳур ёзувчи ва шoirлар таваллудига бағишланган кўرғазмалар жой олган. Компютер бўлими эса нусха кўчириш аппарати, сканер ва 15 донга сўнгги русумдаги компютерлар билан таъминланган бўлиб, «ZIVONET» тармоғига улганган. АРМ аъзолари интернет тармоғидан фойдаланиб, дунёда руй бераётган хабар ва янгиликлар билан мунтазам танишиб борадилар.

АРМ фондидан автоматлаштириш мақсадида «КАРМАТ» йиғма электрон каталог дастурининг лицензияланган варианты ўрнатилган. Ушбу дастур асосида адабиётларнинг электрон каталоги яратилди. Дастурга фонднинг 60 фойиз адабиёти киритилди. Айни кунларда адабиётларнинг қолган қисмини ҳам электрон каталогга киритиш ишлари олиб борилмақда. Бевосита синф хоналарида туриб ўқувчи ва ўқувчилар ҳар хил бичимдаги ҳужжатлар, китоблар, услубий қўланмалар, ўқув-услубий материаллар қидириш ва улардан фойдаланиши мумкин.

«Китобхон ҳафталиги» давомида Фарғона шаҳар «Тил маркази», Фарғона «Автосавдо» қорхонаси, «Фаол китобхонлар» клуби томонидан китоб фондидан берибдиҳилган ҳамда китобхонларнинг янги адабиётларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниб, марказга 87 донга адабиёт ҳадя этилди.

Дарвоқе, АРМ 2008 ва 2010 йилларда «Энг яхши ахборот-ресурс маркази» кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичларида фахрли биринчи ўринни эгаллаган бўлиб, жорий йилда ўтказилган ушбу танловнинг шаҳар босқичида яна шундай натижа қайд этилди, вилоят босқичида иккинчи ўрин nasib этди.

АРМ қошида «Законат» ҳамда «7x7» интеллектуал клублари фаолият юритмоқда. Клублар ўз ишини уч босқичда — саралаш, ярим финал, финал кўринишида амалга оширади ва бу энг билимдон, зукко ёшларни саралаш имкониятини беради. Ўтказилаётган тадбирлар ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, билим чўққиларини эгаллашга қорлаб, соғлом турмуш тарзини танлашга тарғиб қилади.

— Ҳозирда аҳолини китоб оламига олиб кириш ҳар бир АРМ ходимининг шарафли бурчидир, — дейди ахборот ресурслар маркази раҳбари Шоира Йўлдошева. — Зеро, инсон учун китобдан яхши дўст, яқин сирдош, камолотга етакловчи, тўғри йўл кўрсатувчи маёқ йўқ.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси.

«Ishonch» газетасининг 01.10.2013 йилдаги № 119-120 (3313)-сонидан берилган аукцион савдолари хабарномасига асосан 2013 йил 15 октябр кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 27.11.2012 йилдаги 10-1218/16125-сонли Хал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «DIA» хусусий фирмаси мулклари бўйича ташкил қилиниши белгиланган савдолар 2013 йил 22 октябр кунин соат 12:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинади.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати). Тел: +99893 529-30-13, +99893 553-51-41. E-mail: kmss.res@mail.ru, гўвоҳнома № 00263.

Юз билан юзлашиб

Навоий вилоятида яшовчи пири бадавлат онахон Охишта Давлатова учун мамлакатимизнинг 22 йиллик тантаналари қўшалок байрамга айлиниб кетди. Вилоят ҳокимлиги, «Нуроний» жағмармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлимлари ҳамда қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари унинг хонадонига соғва-саломлар билан йўлбаб келишди. Айниқса, кўксига «Шухрат» медалининг тақиб қўйилиши табарроқ ёшли мома кўнглини тоғдек кўтарди. Онахон дуога қўл очди.

Ўз мухбиримиз



«Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ нархлар ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

1. 2013 йил 28 октябр кунин соат 11:00 да Урганч шаҳар, Шерозий кўчаси, 12-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2011 йил 24 март кунги 22-1106/1199-сонли хал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Хоразмқурилиш» МЧЖ кредиторлар қўмитаси йиғилишининг 2013 йил 17 сентябрдаги 32-сонли йиғилиши қарорига ҳамда «Хоразмқурилиш» МЧЖ тугатиш бошқарувчисини 2013 йил 9 октябрдаги 252-сонли хатига асосан «Хоразмқурилиш» МЧЖга қарашли бўлган Урганч шаҳар, И.Бобожонов кўчаси, 8-уйда жойлашган умумий ер майдони 720,82 кв.метр шундан қурилиш ости майдони 470,0 кв.метр бўлган 2 қаватли «Мазмурий бино» қисми билан боғлиқ бўлган кўчмас мулк био ва иншоотлари ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва улардаги бевосита боғлиқ бўлган бошқа турдаги мулклар билан тугатиш қийматларидан 10 фойизга арзонлаштирилган ҳолда бошланғич баҳоси — 298 027 667 сўмда қўймоқда.

2. 2013 йил 28 октябр кунин соат 11:00 да Урганч шаҳар, Шерозий кўчаси, 12-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2011 йил 24 март кунги 22-1106/1199-сонли хал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Хоразмқурилиш» МЧЖ кредиторлар қўмитаси йиғилишининг 2013 йил 17 сентябрдаги 32-сонли йиғилиши қарорига ҳамда «Хоразмқурилиш» МЧЖ тугатиш бошқарувчисини 2013 йил 9 октябрдаги 252-сонли хатига асосан «Хоразмқурилиш» МЧЖга қарашли бўлган Урганч шаҳар, И.Бобожонов кўчаси, 8-уйда жойлашган умумий ер майдони 986,68 кв.метр шундан қурилиш ости майдони 721,2 кв.метр бўлган «Ердами бино» билан боғлиқ бўлган кўчмас мулк био ва иншоотлари ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва улардаги бевосита боғлиқ бўлган бошқа турдаги мулклар билан тақоран тугатиш қийматларидан 10 фойизга арзонлаштирилган ҳолда бошланғич баҳоси — 208 030 333 сўмда қўймоқда.

Table with 4 columns: №, 1-Участка билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа турдаги мулклар номлари, Қурилиш ости майдони, узулиги ва миқдори, Бошланғич баҳоси (сўм). Rows include items like 'Мазмурий бино, қоровулхона биноси', 'Цемент омбори биноси', etc.

Advertisement for 'O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi' with contact info, address, and services.